

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жўраев Қобилжон Олимжонович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети магистратура
тингловчиси

Аннотация: Жиноятчилик муаммоси ҳар қандай жамият учун долзарб масала бўлиб, айниқса вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятлар нафақат ёшларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатади, балки жамиятнинг барқарорлигига ҳам хатар солади. Шу боисдан ушбу вояга етмаганлар қаторида жиноятчиликни камайтириш ва олдини олиш чораларини самарали йўлга қўйиш зарур.

Ушбу мақолада Мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш чоралари, унинг таъсир омиллари, имкониятлари ва амалий ечимлари таҳлил этилади.

Аннотация: Проблема преступности является актуальной для любого общества, особенно важно предотвращение совершения преступлений среди несовершеннолетних. Преступления, совершаемые школьниками, оказывают негативное влияние не только на будущее молодежи, но и представляют угрозу стабильности общества в целом. Поэтому необходимо эффективно организовать меры по сокращению и предупреждению преступности среди несовершеннолетних.

В данной статье анализируются меры по предупреждению преступлений, совершаемых школьниками, а также факторы их влияния, возможности и практические решения.

Annotation: The issue of crime is relevant for any society, and it is especially important to prevent crimes committed by minors. Crimes committed by school

students negatively affect not only the future of young people but also pose a threat to the stability of society as a whole. Therefore, it is necessary to effectively implement measures to reduce and prevent juvenile delinquency.

This article analyzes measures for preventing crimes committed by school students, as well as the influencing factors, opportunities, and practical solutions.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, ғайриижтимоий, хулқ атвор, ҳуқуқбузарлик, жиноятларнинг сабаблари, олдини олиш чоралари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари¹ ва қарорлари² жамиятда жиноятчилик, унинг ажралмас таркибий қисми бўлган вояга етмаганлар жиноятчилиги, уларнинг мавжудлиги, ўсиши, янги янги кўринишлари вужудга келишининг сабаб ва шароитларининг олдини олиш, айниқса барвақт профилактикасини таъминлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси” да “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тарбиясида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ота оналари билан тушунтириш ишларини олиб бориш; ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда умумтаълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони. 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги «Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-319-сон қарори.

муассасаларида ўқувчилар ўртасида зўравонлик (булинг)нинг олдини олишга қаратилган дастурларни жорий этиш”³ каби муҳим вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини қийнаётган глобал муаммолар қаторига мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарликлар ва жинойтчиликнинг содир бўлиши жуда кўп тилга олинмоқда. Сўнги статистик маълумотларга қараганда 2025 йилнинг 9 ойида 1 164 нафар мактаб ўқувчилари 1 082 та олдини олиш мумкин бўлган жинойт содир этган ва умумий олдини олиш мумкин бўлган жинойтларга нисбатан улуши 70.1 фоизни ташкил этган. Жинойт содир этган мактаб ўқувчиларининг асосий салмоғи (66.3 %) 5 та ҳудуд, яъни Фарғона (208 та) Тошкент шаҳри (175 та) Наманган (147 та) Тошкент (95 та) ва Самарқанд (93 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

2025 йил 9 ойида вояга етмаганлар жинойтчилигининг субъектив сабаб ва омиллари ўрганилганда моддий етишмовчилик 54 % , енгил даромад топишга қизиқиш 2,7 % , зўравонлик орқали ўзини кўрсатиш 16,6 % , жамиятда ўзининг бошқалардан устунлигини намойиш этиш 6,9 % , тарбиявий ёки ахлоқан бузиқлик 0,9 % , бошқа сабаблар 18,9 % ни ташкил қилган⁴.

2025 йил 9 ойида жинойт содир этган вояга етмаганларнинг оилавий ахволи ўрганилганда ота онаси фарзанди тарбиясига эътиборсиз оилада тарбияланиб келаётганлар 78.5 % , жанжалкаш оилаларда тарбияланиб келаётганлар 11.4 % , ажрим ёқасидаги оилаларда тарбияланиб келаётганлар 3.8 % , ота онаси чет элда бўлган оилаларда тарбияланиб келаётганлар 2.9 % , ота онаси профилактик ҳисобда турган оила фарзандлари 1.3 % , ота онаси йўқ (васий ёки ҳомий қармоғида) 0.7 % , ота онаси муқаддам судланган оила фарзандлари 0.5 % , ота онаси сурункали спиртли ичимлик истемол қилувчи оила фарзандлари 0.4 % ни ташкил қилган⁵.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ 5712 сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги фармони //https://lex.uz/4312785

⁴ У.Мирзатиллаев “Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологларнинг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” номли диссертация ишига оид таҳлилий малумотлар/2025 й/ 1-2 бет.

⁵ У.Мирзатиллаев “Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологларнинг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” номли диссертация ишига оид таҳлилий малумотлар/2025 й/ 1-2 бет.

Вояга етмаганлар жиноятларининг барвақт олдини олишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳар бир муайян жиноий хатти-ҳаракатнинг, уларнинг алоҳида турларининг ва умуман вояга етмаганлар жиноятчилигининг ички қонуниятларини ҳамда уларнинг бир-бирига боғлиқлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади. Вояга етмаган шахс томонидан содир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ҳар қандай бошқа турдаги инсоний хатти-ҳаракат каби шахснинг ўзига хос хусусиятлари, уларни шакллантирган омиллар билан, шунингдек, у шундай хатти-ҳаракатни содир қилиш ҳақида қарор қабул қилган вақтдаги объектив вазият, яъни у яшаб турган муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик оқибатидир. Олиб борилган илмий тадқиқотларда вояга етмаганлар томонидан ва уларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар, уларни содир этган шахслар ҳамда уларнинг жавобгарлигини таъминлаш, қонунчиликни, шунингдек барвақт профилактикани такомиллаштиришга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар барвақт профилактикасини таъминлашга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар ҳамда фикр мулоҳазалар: вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоратадбирларини баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек соҳага доир дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши, уларнинг ижроси устидан қатъий прокурор назоратини ташкил этишга бўлган зарурат асосланган ⁶; вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбири сифатида қонунчиликда белгилаш таклиф этилган ⁷ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг

⁶ Джураева А.З. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2023. – Б. 26 (Dzhuraeva A.Z. Prosecutor's control over the implementation of laws on the prevention of juvenile delinquency: abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences. Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, 2023. – P. 26.).

⁷ Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2018. – Б. 23 (Khojakulov S.B. Improving the general prevention of crimes (on the

профилактикаси, вояга етмаганларнинг жинси, ёши, соғлиғи, миллий, диний, ижтимоий келиб чиқишини, яқка тартибдаги профилактикасини вояга етмаганларнинг ҳар бир ижтимоий тоифасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарурлиги асослангандир; вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларга қаршилик кўрсатишини ривожлантиришга имкон берувчи ижтимоий, таълимий, ўргатувчи ва соғломлаштириш дастурлари орқали ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур билим, кўникма ва ғайриқонуний хаттиҳаракатларга қарши муқобил усулларини бериш, шунингдек ташқи муҳитни ўзгартиришга қаратилган профилактика чора-тадбирлари дастурлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини бошқаришга ёндашувларни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилган⁸; вояга етмаган шахсларга шартли ҳукмни қўллаш институти уларнинг алоҳида хусусиятларига асосланган ҳолда жорий этиш, унинг ижроси самарадорлиги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида вояга етмаганларни ўқитиш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирларни амалга оширишга бевосита боғлиқлиги асослаб берилган⁹; ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш (психологик профилактика) модели ишлаб чиқилган¹⁰. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар, уларни содир этганлар,

example of the activities of internal affairs bodies): abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in legal sciences. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2018. – P. 23.).

⁸ Джураева А.З. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2023. – Б. 26 (Dzhuraeva A.Z. Prosecutor's control over the implementation of laws on the prevention of juvenile delinquency: abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences. Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, 2023. – P. 26.).

⁹ Усмонов Д.М. Шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 8, 17 (Usmonov D.M. Improving the theoretical, legal and practical aspects of the institution of conditional sentencing: abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2020. – P. 8, 17.).

¹⁰ Зарипов Ф.М. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига оид моделнинг амалиётга татбиқ этилиши // Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/uvchilar-u-u-buzarliklari-va-zhinoyatchiligi-profilaktikasini-takomillashtirish-masalalari> (мурожаат вақти: 15.03.2024) (Zaripov F.M. Implementation of the model for the prevention of student delinquency and criminality // Electronic source: <https://cyberleninka.ru/article/n/uvikov-u-ubuzarlikli-va-zhinoyatchiligi-profilaktikasini-tafrekhno-masalalari> (application time: 15.03.2024)).

уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шунингдек илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда барвақт профилактика чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир ёндашувлар тарқоқ бўлиб, уларни амалга ошириш механизмлари аксарият ҳолларда белгиланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Вояга етмаганлар жиноятларининг самарали барвақт профилактикаси биринчидан, жамиятда бола ҳуқуқлари, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болалар ҳуқуқлари кафолатларининг давлат, хусусан унинг масъул орган ва мансабдор шахслари томонидан фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликда тўлақонли таъминланишини, иккинчидан, уларни жаҳонда юз бераётган глобаллашув, жадаллашув, манфаатлар тўқнашувининг кескинлашуви ва бошқа салбий жараёнлар ҳамда уларнинг оқибатлари таъсиридан самарали ҳимоя қилиш тизими ва механизмларини яратишни, учинчидан, таълим-тарбия соҳасидаги мавжуд бўшлиқ, хато ва камчиликларни тизимли бартараф этиш механизмларини такомиллаштириб боришни, тўртинчидан, бу соҳада илмий тадқиқотларни янада кучайтириш, мазкур тизимга миллий қадъриятларни ва илғор халқаро тажрибаларни уйғунлаштирган ҳолда жорий этиб боришни тақозо этади¹¹. Биз профессор И.Исмаиловнинг фикрини тўғри деб ўйлаймиз.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш борасида қуйидагилар таклиф этилади.

1.Бугунги кунда мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда инспектор психолог, мактаб психологлари ва ўқитувчиларнинг самарали ишлашини янада такомиллаштириш мақсадида мактаб ичида “ижтимоий хавф гуруҳлари”ни аниқлаш тизимини такомиллаштириш ва мактаб психологларига мобил илова кўринишида КПИ электрон тизимини жорий қилиш. Биз биламизки ҳозирги кунда деярли барча

¹¹ Исамидин Исмаилов юридик фанлар доктори, профессор / Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич юридик фанлар доктори, профессор/Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали Журнал правовых исследований Journal of law research /№1 2025 й / 93-94 бет.

давлат идоралари ва ташкилотлари рақамлаштирилган КПИ тизимида ўз иш натижаларини қайд қилиб келмоқда. Бу тизим ўз навбатида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда яхши самара бермоқда.

2. Мактаб ички рўйхатига киритилган ўқувчилар индивидуал иш режалари ишлаб чиқиш.

3. Мактабларда синф хоналар ва йўлакларни камералаштириш чора тадбирларини белгилаш ва босқичма босқич амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарорида жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг ҳовли қисми тўлиқ кузатув камералари билан қамраб олинishi ва “ташвиш” тугмаларининг ўрнатилиши бэлгилаб қўйилган¹². Мактабларда синф хоналар ва йўлакларни камералаштириш мактаб худудини жиноятдан холи худудга айланишини тامينлайди.

4. Мактаб психологлари ва инспектор психологлар ҳамкорликда мактаб ички рўйхатига киритилган ўқувчилар шунингдек бугунги кунда амалиётда 10 тоифа деб юритиладиган ўқувчилар билан мунтазам тавишда ишлаш тизимини ишлаб чиқиш ва КПИ тизими орқали мониторингини юритиб бориш. Юқорида айтиб ўтилган 10 тоифага кирувчи ўқувчилар қонунчиликда айнан келтириб ўтилмаган. Бироқ амалиёт давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бу тоифага кирувчи ўқувчилар рўйхати шакллантирилади. Булар қуйидагилар: нотинч оила фарзандлари, ота онаси ажрашганлар, ота онаси узок муддат кетганлар, ажрим ёқасидаги оила фарзандлари, отаси ёки онаси муқаддам судланган оила фарзандлари, отаси ёки онаси профилактик ҳисобда турган оила фарзандлари, отаси ёки онаси ёки ҳар иккаласи вафот этган оила фарзандлари ва

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарори

бошқалар. Жойларда бу тоифадаги ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш орқали ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин.

5.Оила маҳалла мактаб тамойили асосида маҳаллаларда жиноятжиликка қарши профилактика тадбирларини кучайтириш.

6.Нотинч оила фарзандларининг маҳалла кесимида рўйхатини шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш ва улар билан олиб бориладиган чора тадбирларни белгилаш.

7.Маҳалла кесимида ота онаси узоқ муддат кетган вояга етмаганларга васий ёки ҳомий тайинлаш чора тадбирларини белгилаш ва босқичма босқич амалга ошириш.

8“Оилавий тарбияда назорат ва ишонч мувозанати” мавзусида мунтазам тренинглари ташкил этиш.

9.Ота-она, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш.

10.Болаларни спорт, маданият, ихтисослашган тўғарақларга жалб қилиш.

11.Инспектор психологларнинг иш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини юритиш учун КПИ тизимини яратиш ва уни мобил илова қўринишида ҳар бир ходим кесимида юритиш амалиётини жорий қилиш.

Хулоса

Мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда ижтимоий, психологик ва маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу жараёнда мактаб, оила ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг руҳий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда бу йўналишдаги ишлар олиб борилмоқда ва самарали натижаларга эришиш учун тадқиқотларни янада кенгайтириш зарур.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар профилактикаси фақат жазо воситалари билан эмас, балки психологик, педагогик, ижтимоий ва ҳуқуқий комплекс чоралар орқали самарали ҳал этилади. Тавсия этилган чоралар

тизимли татбиқ этилса, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик даражасини пасайтириш, ижтимоий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мумкин бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон республикаси конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони.
3. 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ 5712 сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги «Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-319-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январ кунидаги “2025 йил Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1 сонли қарори .
7. Джураева А.З. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2023. – Б. 26
8. Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юридик фанлар

бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 23

9. Усмонов Д.М. Шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 8, 17

10. Зарипов Ф.М. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига оид моделнинг амалиётга татбиқ этилиши

11. Исамидин Исмаилов юридик фанлар доктори, профессор / Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич юридик фанлар доктори, профессор/Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали Журнал правовых исследований Journal of law research /№1 2025 й / 93-94 бет.

12. У.Мирзатиллаев “Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологларнинг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” номли диссертация ишига оид таҳлилий малумотлар/2025 й/ 1-2 бет.